



УЛУҒ НАВОЙГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимиз ва хорижда буюк шоир ва мутафаккир, аллома бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги муносабати билан форумлар, анжуманлар, симпозиумлар бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида – Алишер Навоий ҳайкали пойида шоир бобомиз таваллуд санаси муносабати билан адабий-маърифий анжуман ташкил этилди.

Тантанали тадбирда мамлакатимизда миллий адабиётимиз, маънавиятни ривожлантириш, Ватанимизнинг шонли тарихини ўрганиш, буюк аждодларимиз меросини тадқиқ этиш янги Ўзбекистоннинг маърифий пойдеворини яратишда муҳим асос бўлаётгани эътироф этилди, улуғ мутафаккирнинг бой маънавий мероси, уларда тараннум этилган эзгу гоғларнинг аҳамияти, асарларининг хорижда ўрганилиши ҳақида сўз юритилди.

Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли хонандаси, «Шухрат» медали соҳибаси Моҳичеҳра Жуманова Навоий ғазали билан куйланувчи кўшиқ ижро этди.

Анжуманда Тошкент давлат Шарқшунослик университети ва Жаҳон тиллари университетида тахсил олаётган маҳаллий ва хорижий талабалар томонидан Алишер Навоий шеърятидан намуналар ўқилди.

Иштирокчилар Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Юртимиз бўйлаб аллома бобомиз таваллудига бағишланган тадбирлар, анжуманлар давом этмоқда.

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO' LIDA BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
10-fevral,
seshanba
№19
(5239)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДАГИ МАСЪУЛИЯТ «АЁЛЛАР ДАФТАРИ» ТИЗИМИНИНГ 7-БОСҚИЧИ БОШЛАНМОҚДА



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси, Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.

Видеоселектор йиғилишида Марказий студия орқали Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ойла ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова, Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси, Ойла ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касабаси уюшмалари Республика кенгашлари мутасаддилари, ҳудудий студиялар орқали эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг Ойла ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Маҳаллалар уюшмасининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Федерациянинг ҳудудий кенгашлари раислари ва масъул ходимлари, туман (шаҳар) ҳокимларининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Маҳаллалар уюшмасининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари иштирок этишди.

Кун тартибига кўра, дастлаб муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан амалда татбиқ этилган ноёб тизим – «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичига тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2021 йилдан бери давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан жорий этилган «Аёллар дафтари» тизимининг 6 та босқичи орқали шу пайтгача республика бўйича жами 4 млн. 538 минг нафардан зиёд эҳтиёжманд хотин-қизга амалий ёрдамлар берилди. Биргина 2025 йил «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичида жами 1 млн. 22 минг нафарга яқин хотин-қизга ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 17

октябрь куни касабаси уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида «Аёллар дафтари» билан боғлиқ 2 та муҳим вазифа илгари сурилган эди. Биринчи вазифа «Аёллар дафтари» тизими доирасида Касабаси уюшмалари билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаб, ишларни маҳалла даражасида манзилли ташкил этишдан иборат эди. Маълумки, ушбу топшириқ ижроси юзасидан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Белгиланган иккинчи вазифада эса, «Аёллар дафтари» тизимини янада такомиллаштириш орқали уй-жойи ва яшаш шароитини яхшилашга муҳтожларга, тиббий ва психологик ёрдамга эҳтиёжи борларга, таълим ва зўравонликка учраган аёлларга ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий ёрдам бериш назарда тутилган. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш учун Касабаси уюшмалари Федерацияси ҳамда Ойла ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Аёллар дафтари» тизимининг 7-босқичи юқори савияда ташкиллаштирилиб, кенг қамровли ишлар амалга оширилади.

Эндиликда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар тоифалари янада такомиллаштирилиб, улар 5 та тоифа бўйича рўйхатга киритилиши кўзда тутилмоқда. 1-тоифага бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар киритилади.

2-тоифага киритилган хотин-қизларга имтиёзли кредитлар берилди. Булар: бандлиги таъминланмаган ва тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд аёллар, тадбиркорликни йўлга қўйган ва ушбу фаолияти ривожланишининг дастлабки босқичида турган ёки ўзини-ўзи банд қилган хотин-қизлар.

3-тоифага уй-жойи таъмирланишга муҳтож, бироқ бунга оиласининг моддий имконияти етмайдиган эҳтиёжманд хотин-қизлар, шунингдек, нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун тураржойи бўлмаган, бир хондонда (кичик ҳовлида) уч ва ундан ортиқ оила яшаётган ва уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида тураржой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган хотин-қизлар киритилади.

Уларга ижара компенсация тўлови тўлаб берилди ёки молиявий имкониятдан келиб чиқиб, уй-жой билан таъминланади.

4-тоифага руҳий ҳолатини яхшилашга, шунингдек, Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзоларини даволаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказишга эҳтиёжманд хотин-қизлар киритилади.

5-тоифага ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган, ажрим, яраштирув, суд, алимент ва бошқа шу каби масалаларда маслаҳат ва амалий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар киритилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга кўрсатилган амалий ёрдамлар жараёнида уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, соғлигини тиклаши, руҳий ҳолатини яхшилаши, ҳуқуқларининг тикланиши каби янги турдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли кредитлар турлари кенгайтирилиши кўзда тутилган.

Сирасини айтганда, асосий мақсад – эҳтиёжманд хотин-қизларга шунчаки бир марталик ёрдам кўрсатиш эмас, балки уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши ва камбағалликдан чиқишига қўмақлашдан иборат. Энг муҳими, жорий йилда ҳам «Аёллар дафтари» орқали 1 млн. нафар эҳтиёжманд хотин-қизга манзилли ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Хусусан, ҳудудлар кесимидаги тахлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикасида – 58 минг, Андижон вилоятида – 82 минг, Бухорода – 62 минг, Жиззахда – 46 минг, Қашқадарёда – 102 минг, Навойда – 30 минг, Наманганда – 82 минг, Самарқандда – 105 минг, Сирдарёда – 27 минг, Сурхондарёда – 71 минг, Тошкент вилоятида – 90 минг, Фарғонада – 112 минг, Хоразмда – 60 минг, Тошкент шаҳрида – 98 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизга ёрдам кўрсатилиши зарур.

Бунинг учун эса, маҳаллаларда хотин-қизлар хатловдан ўтказилиб, «дафтарга киритилганлар рўйхатлари шакллантирилади ва улар «маҳалла еттичилиги» томонидан тасдиқланади. Шу мақсадда, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ҳар бир ҳудуд, туман ва шаҳарга масъуллар, Маҳаллалар уюшмаси билан имзоланган ҳамкорлик меморандумига мувофиқ эса, ҳар 10 та маҳаллага бир нафардан касабаси уюшмаси ходими бириктирилади. Шунингдек, «маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят»

даражасида штаблар ташкил этилади. Маҳалла штабига – «маҳалла еттичилиги» аъзолари киритилади. Туман (шаҳар) ҳамда вилоят штаблари таркиби – «Аёллар дафтари» тизими бўйича масъул вазирилари ва идораларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарларидан шакллантирилади. Барча даражадаги штаблар фаолияти касабаси уюшмаларидан бириктирилган вакиллар томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Масъуллар анкета-сўровнома асосида хотин-қизларнинг барча йўналишдаги муаммоларини уйма-уй юриб ўрганилади. Ўрганишлар асосида «маҳалла еттичилиги» томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий ҳиммага муҳтожлик даражаси, яъни тоифаси аниқланиб, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг рўйхатлари шакллантирилади. Улар «маҳалла еттичилиги»нинг коллегиял қарори билан тасдиқланади.

Рўйхатлар тузилгач, ҳар бир хотин-қиз учун индивидуал дастур ишлаб чиқилади ва масъул ташкилотлар билан келишидан ҳолда «маҳалла еттичилиги» томонидан тасдиқланади. Индивидуал дастурда ҳар бир эҳтиёжманд аёлга кўрсатилган асосий ва қўшимча «амалий ёрдамлар» аниқ кўрсатилади. Шуниси аҳамиятлики, индивидуал дастур тасдиқланишидан аввал «дафтарга киритилган аёлнинг ўзига кўрсатилади ва имзо қўйдирилади.

Видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларни юқори савияда амалга оширишни таъминлаш борасида марказий ва ҳудудий студиялардан иштирок этган мутасадди ва масъуллар ҳам ўз тақдиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш якунида Президентимиз ташаббуслари билан жорий этилган «Аёллар дафтари» тизими доирасида амалга оширилган ишлар миллионлаб хотин-қизларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, уларнинг ҳаётига ёруғлик олиб киришга қаратилгани, бунинг учун барча масъуллар бор имкониятларини ишга солишлари ва яқдлик билан иш олиб боришлари зарурлиги таъкидланди. Бу йилда барча мутасадди ташкилотларни ҳалқимизни рози қилишдек улкан масъулият бирлаштириб тургани қайд этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари
Федерацияси Матбуот
хизмати раҳбари

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган
1211
рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га
мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олғай ишини киши.

Алишер Навоий

ИНСОН ҚАДРИ – ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОН

Хоразмда икки кун давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг очиқ эшиклар куни ва сайёр қабули ўтказилди. Мақсад – инсон қадрини амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида ҳар бир ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланишига эришиш, аини жараёнда юзага келадиган саволларга биргаликда жавоб топишдан иборат.

Бу ҳақда эшитган тармоқ касаба уюшмаларининг вилоят, шаҳар-туман ташкилотлари, бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раислари, корхона ва ташкилотларнинг ходимлари бўйича менежерлари, юрисконсуллар белгиланган манзилга эрта-роқ келишга шошилдилар. Сабоби меҳнат соҳаси билан боғлиқ масалалар кўп. Федерация ҳуқуқшунослари эса бу масалада энг малакали мутахассислар сирасига киради. Қолаверса, касаба уюшмалари кўмагида ҳар йили республика бўйлаб минглаб меҳнат низолари ҳал қилинмоқда.

Тадбирларда, шунингдек, вилоят адлия бошқармаси, прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси масъуллари ҳам иштирок этдилар. Дастлаб Урганч давлат университети маданият саройида очиқ мулоқот уюштирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қ.Қирғизалиев кейинги йилларда мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий ислохотлар мазмун-моҳиятига тўхталиб, диққат марказида, аввало, инсон манфаати,

унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, муносиб меҳнат шaroитларини таъминлаш масалалари турганини таъкидлади. Бу жараёнда касаба уюшмалари меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, иш берувчи ва ходим ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяётгани алоҳида кайд этилди.

Меҳнат инспекциясининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Н.Асадова Федерация ва ҳудудий кенгашлар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берди.

Вилоят прокурори ўринбосари Х.Норқобилов меҳнат қонунчилигини таъкидлаб, бунда касаба уюшмалари билан ҳамкорликнинг аҳамияти катталигини эътироф этди.

Шундан сўнг, иштирокчилар меҳнат муносабатларидаги муаммолар, жамоа шартномаларини тузиш

тартиби, ходимларнинг ҳуқуқий муҳофазаси, иш ҳақи ва шарт-шaroитлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутасадди раҳбарлардан жавоб олдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Урганч давлат университети Ахборот ресурс марказида ташкил қилинган сайёр қабулда эса олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ҳамда ходимлар иштирок этдилар. Янги Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратиладигани таъкидланди. Шу асно қонунчиликдаги янгиланган, жамоа шартномаларини такомиллаштириш ва ижтимоий шерикликни кучайтириш масалалари юзасидан батафсил фикр юритилди.

Мулоқот Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши мажлислар залида ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳам-

Мулоқот

**Сўранг,
жавоб берамиз**

САВОЛ: Қарамоғимда ногиронлиги бўлган фарзандим бор. Шу боис пенсияга эртароқ чиқишим мумкинми?

Нилуфар
СУЛТОНОВА

Тошкент вилояти

**ПЕНСИЯГА
БАРВАҚТ
ЧИҚСАМ
БЎЛАДИМИ?**

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган фарзандини 8 ёшгача тарбиялаган оналар камида 20 йиллик стажи бўлса, 55 ёшдан эмас, 50 ёшдан пенсияга чиқиши мумкин. Ўғай фарзандни гўдаклигидан 8 ёшгача, яъни камида 5 йил парваришлаган ва 20 йиллик стажи мавжуд оналар ҳам 50 ёшдан пенсияга чиқса бўлади.

Муҳаббат ТЎРАБОВА
«ISHONCH»

Йиғилиш



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гиждувон тумани кенгаши ташаббуси билан бошланғич ташкилот раислари иштирокида ўқув-услубий машғулот ташкил этилди. Унда жамоа шартномаларида имтиёз ва қоғозлар кўламини кенгайтириш, иш берувчи ва ходим ўртасидаги ижтимоий шериклини мустақкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

**СОҒЛОМ
МУҲИТ
ЯРАТИШ
УЧУН**

Тадбирда касаба уюшмасининг жамоа шартномалари ижросини таъминлашдаги ўрни, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, Гиждувон тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ўртасидаги жамоа келишуви ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа келишувининг ўтган йилдаги ижроси атрофида таҳлил қилиниб, бу бўйича масъулларнинг ҳисоботлари тингланди.

Муҳокамаларда таъкидланганидек, жамоа шартномалари ва келишувлар шунчаки расмий ҳужжат эмас, балки ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини амалда таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш жойларида соғлом муҳит яратишга хизмат қиладиган таъсирчан механизмдир. Бундай тадбирлар эса ҳужжатдаги камчиликларни тузатиш, янги нормалар киритиш, бир сўз билан айтганда, уни янада такомиллаштириш имконини беради.

Йиғилиш якунида 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа келишуви қабул қилинди. У таълим соҳаси ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий манфаатларини янада мустақкамлаш, меҳнатини қадрлаш ҳамда ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт муассасаларида 15 йилдан ортиқ меҳнат қилган ходимларга йўлланмалар бериш белгиланган эди. Шунга кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида кўшма қарор имзоланган.

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Мазкур ҳужжат таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилояти кенгашида махсус йиғилиш ўтказилди. Унда фидокорона меҳнати би-

лан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган тиббиёт ходимларини рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилди.

Тадбир асноси 15 йилдан ортиқ хизмат қилган бир гуруҳ ходимларга сертификатлар ҳамда бепул санаторий йўлланмалари топширилди.

Таъкидланишича, бир йиллик режага биноан, 85 нафар тиббиёт ходими тасарруфдаги сижатҳоғларда бепул йўлланма асосида соғлиқларини тиклашади. Бундай ташаббуслар

Эътибор

тиббиёт ходимларининг меҳнатини қадрлаш, уларнинг саломатлигини мустақкамлаш ҳамда касбий фаолиятига кўшимча рағбат беришга хизмат қилади.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

БУЙРУҚ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ДЕБ ТОПИЛДИ

Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди «ИПОТЕКА-BANK» акциядорлик тижорат банкига нисбатан муҳим қарор қабул қилди, яъни ходимни ишдан бўшатish тўғрисидаги буйруқни ғайриқонуний деб топиб, ишга тиклаш ҳамда мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Маълум бўлишича, даъвогар Акмалжон Саидқулов ушбу банкда 2005 йилдан бери турли лавозимларда ишлаб келган. 2021 йилдан банкнинг Операцион блоки (Бош офис)да 1-ҳудудий хаб раҳбари лавозимида фаолият юритган.

2025 йил 3 март куни «ИПОТЕКА-BANK» Бошқаруви раиси имзолаган буйруқ асосида А.Саидқулов билан тузилган меҳнат шартномаси штаг қисқартирилиши сабабли бекор қилинган. Шундан сўнг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга

даъво-ариза киритди. Бунда унга ҳудудий касаба уюшмалари мутахассислари кўмаклашди.

Ўрганиш жараёнида аниқланишича, банк томонидан меҳнат қонунчилигида назарда тутилган бир қатор талабларга амал қилинмаган. Хусусан, даъвогарга унинг малакаси ва тажрибасига мос бошқа бўш иш ўрни таклиф этилмаган.

Ушбу ҳолатлар ҳисобга олиниб, ишдан бўшатish тўғрисидаги буйруқ ғайриқонуний деб топилди ва даъвогарни лавозимига

Касаба уюшмаси аралашгач...

тенг бўлган ишга тиклаш хусусида қарор чиқарилди. Шунингдек, банкдан Саидқулов фойдасига 105 иш куни учун 85 миллион 476 минг сўм миқдоридан иш ҳақи, 12 миллион 470 минг сўм адвокат ҳамда почта харажатлари ундирилиши белгиланди.

Бундан ташқари, жавобгардан давлат фойдасига 5 миллион сўмдан ортиқ давлат божни ундириш ҳам кўзда тутилди.

Мазкур ҳолат меҳнат муносабатларида иш берувчилар қонун талабларига қатъий амал қилишлари шарт эканини яна бир бор исботлади.

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Жиззах шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Диёра Даманова 2025 йил 1 декабрда ҳомиладорлик ва туғуруқ таътилига чиққан. Аммо унга таътил пуллари тўлаб берилмаган. Таълим муассасаси масъулларига қилган мурожаати натижасиз қолгач, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашидан амалий ёрдам сўради.

ИШ ХОДИМЛАР ҒОЙДАСИГА ҲАЛ БЎЛДИ

Масала тегишли тартибда ўрганилиб, иш берувчига қонун талаблари тушунтирилди. Шундан сўнг Диёра Дамановага ҳомиладорлик ва туғуруқ таътили учун 16 миллион 845 минг 84 сўм тўлаб берилди.

Жиззах шаҳри «Келажак» маркази директори ўзининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари хисобланган Холида Ҳа-

санава билан меҳнат шартномасини бекор қилмасдан бошқа ходимни ўринбосарликка тайинлаган. Табиийки, раҳбарнинг қутилмаган бу қароридан Холида Ҳасанова қаттиқ ранжиди ва касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Ҳолат назоратга олиниб, қонунбузилиш бўйича тақдимнома киритилди. Натижада Х.Ҳасанова бўлим бошлиғи лавози-

мига тайинланди. Қиссадан ҳисса шуки, касаба уюшмалари қилинган биронта ҳам мурожаат эътиборсиз қолмайди. Ҳар бири тегишли тартибда ўрганилиб, ижобий ҳал этилади.

Муҳаммаджон
ЖЎРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон
касаба уюшмалари
Федерациясининг
Жиззах вилояти
кенгаши мутахассиси



Ҳамид Ҳамдамов бир неча йиллардан буён Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабидан инглиз тили фанидан дарс бериб келарди. Қутилмаганда иш берувчи у билан тузилган меҳнат шартномаси мажбуриятини бузган, деган ваз билан бир томонлама бекор қилди.

«ХАТО»

СУДДА ТАН ОЛИНДИ

Иш берувчининг бу хатти-ҳаракатидан норози бўлган ўқитувчи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Ўрганишлар давомида Х.Ҳамдамовни ишдан бўшатish тўғрисидаги буйруқ ғайриқонуний экани аниқланди. Иш берувчи билан олиб борилган музокаралар наф бермагач, вилоят кенгаши томонидан мурожаат-

чини ишга тиклаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилди.

Суд Х.Ҳамдамовни ишга тиклаш бўйича қарор чиқарди. Шунингдек, иш берувчидан 15 миллион сўм иш ҳақи ва маънавий зарар ундирилган бўлди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Фарғона вилояти
кенгаши бош юриконсулти

Самарқанд, Тошкент шаҳарлари ва ғўзал Зомин таассуротлари сайёҳлар хотирасида узоқ сақланиши шубҳасиз.

Қулай автоуловлар, замонавий меҳмонхоналардаги шароитлар, юртнинг ғўзал манзараларини унутиб бўладими?

– Зиёрат руҳиятни енгиллаштиради,

маънавий қувват беради, дея кўп эшитган-дим. Бор гап экан. Самарқанд шаҳрига қилган саёҳатимиз давомида бунинг ўзим ҳам ҳис қилдим, – дейди Гулистон тумани ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Икром Мамарозиқов.

Ҳа, Ўзбекистон касаба уюшмалари Феде-

рацияси Сирдарё вилояти кенгаши ташкил этаётган саёҳатлардан барча мамнун.

Йилнинг дастлабки ойидаёқ касаба уюшмаларининг 433 нафар аъзоси юртимиз бўйлаб мароқли саёҳат қилишди. Хусусан, Боёвут, Гулистон ва Мирзаобод туманлари ободонлаштириш бошқармаларидан

40 нафардан ортиқ ходим пойтахтда бўлиб қайтишди.

– Орамизда бош шахримизни қўрмаганлар ҳам бор экан, – дейди Боёвут тумани ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Дилфуза Мамурбаева. – «Вақтимиз бўлганда, имконимиз бўлмаган», дейишди

Ички туризм

улар. Барчамиз бундай имкониятни тақдим этган касаба уюшмаларидан миннатдормиз.

Эркин АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Сирдарё
вилояти кенгаши Маданий-маърифий ва
спорт ишлари бўлими мудири

Асра ўзунгни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изхоридин.

Алишер Навоий

Тафаккур бекатида

Бугунги кунда дунё геосиёсий тебранишлар, мафкуравий тўқнашувлар ва турли нуқталарда аланга олаётган низолар гирдобиди турибди. Технологийлар асрида яшаётганимизга қарамай, инсоният ҳали ҳам эски ва ваҳшиёна муаммо — уруш иллатидан қутула олгани йўқ.



УРУШДА ҒОЛИБЛАР БЎЛМАЙДИ

Хўш, тараққиётнинг энг юқори нуқтасига интилаётган жамият учун уруш, ҳақиқатан ҳам, заруриятми? Ёки бу маънавий таназзулнинг белгисими?

Дарҳақиқат, инсоният тарихи урушлар тарихидан иборат. Биз минг йиллар давомида тараққиёт ҳақида сўзлаймиз, аммо ҳар гал янги технологияларни, аввало, бир-биримизни йўқ қилиш учун ишлатамиз. Инсоният тарихи давомида урушни турлича оқлашга уринишган: кимдир уни адолат ўрнатиш қуроли, кимдир миллатнинг тозаланиш жараёни, деб атаган. Аммо ғолиб тадқиқотлар ва дунё адабиёти дурдоналари шунини кўрсатадики, уруш — мантқиқсизлик ва ваҳшийликнинг энг юқори нуқтаси. Нега онгли мавжудот бўлган инсон ўз табиатига зид равишда вайронкорлик йўлини танлайди?

Маданият инсонни бунёдкорликка, яратувчанликка ва маънавий юксалишга ундайди. Уруш эса маданиятнинг зидди, яъни антимаданиятдир. Уруш ҳолатида инсон ўзининг энг олий фазилатларидан воз кечишга мажбур бўлади. Инсон ўзини асраш учун ўзганин ҳаётга қасд қилади ва бу жараёнда унинг ўз маънавияти ҳам ҳалокатга учрайди. Инсон табиятан ижтимоий ва маънавий мавжудот. Уруш эса уни ижтимоий алоқалардан узиб, фақат ўлдириш ёки ўлиш инстинктига қайтаради. Бу инсон табиятидаги раҳм-шафқат, виждон ва ахлоқий йўққа чиқаради.

Замонавий фалсафий қарашлар ва хулосалар шунини тасдиқлайдики, урушда

ҳеч қачон ҳақиқий ғолиб бўлмайди. Ютиб чиққан томон ҳам маънавий, ҳам инсоний, ҳам маданий жиҳатдан улкан йўқотишларга учрайди. Агар инсон табиатидаги яратувчанлик урушдаги вайронкорликдан устун келмас экан, боши берк кўчага кириб қолаверади. Урушга қарши энг катта қурол замонавий техника эмас, балки инсон онгидидаги маънавий иммунитетдир.

Урушда фақат бинолар ва техникалар эмас, биринчи навбатда инсоннинг ички «мен»и вайрон қилинади. Жанг майдонига қадам қўйган кишида маънавий мутация жараёни бошланади. Бунда тинч ҳаётдаги қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотади ва уларнинг ўрнини уруш қонуниятлари эгаллайди. Инсондаги раҳм-шафқат тушунчаси омон қолиш инстинктига мағлуб бўлади.

Тинчлик даврида ҳар жиҳатдан қораланадиган ва жазо бериладиган одам ўлдириш жинояти уруш вақтида оддий ҳолга айланади. Ким кўп ўлдирса, ўша қаҳрамон, деб тан олинади. Бундай «қадрият»лар шахнинг ички дунёсида жароҳат қолдиради. Маънавий мутация одамни ўзгартириб юборади. Шу боис, уруш нафақат жисмоний қиргин, балки инсониятнинг маънавий генетикасига қилинган энг катта ҳужумдир.

Урушда инсонларнинг ички дунёси, ишонч ва қадриятлар синовдан ўтади. Одамлар ҳаёт учун курашиш йўлида қадриятлардан воз кечишга мажбур бўлишади. Улар уруш машинасининг бир қисмига айланишади. Уруш бутун жамиятга таъсир қилиб, ахлоқий қоидалар бу-

зилиши, маданий ва диний қадриятлар заифлашишига сабаб бўлади. Маданият ва анъаналар ўзгаришга юз тутаяди.

Файласуф Кантнинг фикрича, уруш инсон маънавиятини емирувчи ҳолат. Фрейд эса урушни инсондаги ички тажовуз инстинктининг ташқи кўриниши сифатида тушунтирган. Бу фикрлар шунини кўрсатадики, уруш инсон руҳияти, виждони ва эрки билан боғлиқ фалсафий ҳодиса.

Бугун дунёда содир бўлаётган қуролли тўқнашувлар, геосиёсий кескинлик, диний-экстремистик низолар, миллатлараро қарама-қаршиликлар шунини кўрсатмоқдаки, уруш фақат тарихий воқеа эмас, бутун инсоният маънавияти учун давом этаётган реал ҳавфдир.

Тинч ва фаровон жамиятни асраш учун ёшларда маънавий иммунитетни кучайтириш керак. Бунинг учун ёшлар ўртасида жаҳон ва миллий адабиётдаги уруш фожиалари тасвирланган асарларни тарғиб қилиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, уруш ҳеч қачон муаммонинг ечими бўла олмайди. У фақат вайронагарчилик, йўқотилган тақдирлар ва битмас жароҳатлар қолдиради. Инсоният цивилизацияси шунчалик тараққий этган бир даврда зиддиятларни қурол кучи билан эмас, мулоқот ва ақл-идрок билан ҳал этиш керак. Зеро, тинчлик энг адолатли ту-юлган урушдан яхшироқдир.

Нодира ИБРОҲИМОВА,
фалсафа фанлари доктори

«Ishonch»га жавоб берадилар

КЛИНИКА ФАОЛИЯТИНИ МАРТ-АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДА ТИКЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН

млрд. сўмни ташкил этади. Шу билан қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланади. Клиника фаолиятини март ойи охири — апрель ойларида тиклаш режаси белгиленган.

Хозирги кунда объектга 128 нафар ишчи жалб этилган бўлиб, ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

— 1-2-блокларга видеокузатув, ҳаракат датчиклари ва ёнгиндан огоҳлантириш тизимлари ўрнатилмоқда;

— 12-блок биноларида ойна ўрнатилди, лифт атрофи шиша панеллар билан қопланди;

— 2-блок учун мебель жиҳозлари, ўқув хоналарига парта ва стуллар етказиб берилди;

— фавқулодда ҳолатлар учун электр генератор ва кучли электр кабеллари олиб келинди.

— 8-блокда релин қопламаси ётқизилди.

— 3-4 ва 12-13-блокларда армстронг шифт, шувок, шпаклёвка қилиш ва кафель ётқизиш ишлари олиб борилаётган.

— 2-3-4-блоклар ҳамда галерея подвалида гишт уриш

ва ички безак ишлари давом этмоқда.

— 3-4-блоклар ва зиналарга мармар тошлар ётқизилмоқда.

— Отабеков кўчаси бўйлаб юқори кучланилиш электр кабелларини тортиши ишлари олиб борилмоқда. Янги қурилган кўприкда полга кафель ётқизиш ишлари якунланиб, пастки қават хоналарида шифт ва шпаклёвка ишлари бошланди.

— 1-12-блокларда палаталарга қаровот ва мебеллар ўрнатилмоқда, эшиклар қўйилмоқда, 3-блокнинг пол қисмига релин ёпиштириш ишлари давом этмоқда.

Электр таъминоти бўйича:

ГКТПдан ВРУга ва ГКТП-4 дан 1-блок ВРУ хонасига кучли электр кабеллари монтаж ишлари тўлиқ якунланди. Худудни ўраб турувчи деворлар шувок қилинди.

Объект худудида тозалаш ва ободонлаштириш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда.

2026 йил февраль ҳолатига қўра, қурилиш ва реконструкция ишлари тасдиқланган режа асосида ишчилар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.БОБОВЕВ

Нуқтан назар

ТАШКИЛОТНИНГ ҲАҚИҚИЙ БОЙЛИГИ

Меҳнат муносабатларида доимо икки манфаат тўқнашади: иш берувчи кам харажат билан юқори натижага эришмоқчи бўлса, ходим кам меҳнат билан кўпроқ ҳақ олишни истайди.

Бу табиий жараён. Бироқ ушбу манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизми бўлмаса, жамоада ишонч йўқолади. Айниқса, хусусий секторда айрим иш берувчиларнинг ортқича харажат қилмаслик мақсадида норасмий бандликни танлаши, конвертда иш ҳақи бериш ҳолатлари ходимнинг ташкилот келажагига бўлган ишончинини сўндириб, қўнимсизликка сабаб бўлади.

Бугунги замонавий менежмент бир ҳақиқатни очиқтан олмақда: ташкилотнинг энг катта капитали инсон ресурсларидир. Самардорлик ва тежамкорликка фақат техника ёки технология орқали эмас, балки инсонга муносабат орқали ҳам эришилади. Шу нуқтан назардан «ташкilot маданияти» тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади.

Ташкилот маданиятини эса уммондаги айсбергга қиёслаш мумкин. Кўзга кўринмайдиган қисми — ходимларнинг ташкилот келажагига ишончи, умумий қадриятлар ва мақсадлар, жамоанинг тажрибаси ва малакаси. Кўзга кўринадиган қисми эса иш мухити, бошқарув услуби, анъаналар, тадбирлар ва ташкилот тарихи каби жиҳатларда намоён бўлади. Кўп раҳбарлар айнан шу қисмига эътибор қаратишади. Аммо ҳақиқий куч ходимнинг ички

ишончида, унинг ўзини қадрли хис этишида эканини унуттишади.

Ташкилот маданиятига таъсир этувчи омиллар ҳам турлича. Сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, ижтимоий шароитлар, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими умумий муҳитни белгиласа, қонунчилик, рақобатчилар, мижозлар, таъминотчилар ва жамоатчилик ташкилотлари фаолияти ички муҳитга таъсир кўрсатади. Бу ўринда касба уюшмалари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Улар ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, жамоада адолат ва қонун устуворлигини таъминлайди.

Жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби, рағбатлантириш тизими, таътил жадвали, меҳнат муҳофазасига оид битимлар шунчаки расмий ҳужжатлар эмас. Улар ташкилот маданиятининг ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади. Спорт ва маънавий тадбирлар, маданий дам олиш имкониятлари, ходимларнинг шахсий муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш эса жамоадаги ички босимни камайтиради, ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Кўп ҳолларда ташкилот маданиятининг пасайишига раҳбарнинг бепарволиги, ишчи-ходимларни менси-

маслиги ва ишонсиз муносабати сабаб бўлади. Стратегик фикрламаслик, жамоани бир мақсад атрофида бирлаштира олмаслик, самарали бошқарув гуруҳини шакллантирмаслик, айниқса, хусусий секторда тез-тез учрайди. Раҳбар инсон қадрини англамаса, ташкилотда самарадорлик ҳақида гапириш мушкул.

Мустаҳкам иш ўринларини яратиш, жамоада сadoқат ва ишончини қарор топтириш, ташкилотни рақобатбардош қилишнинг энг тўғри йўли ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг қадр-қимматини юксалтиришидир.

Хулоса қилиб айтганда, ташкилотдаги муаммоларни бир зумда ҳал этиш мумкин эмас. Бу босқичма-босқич, изчил ишлашни талаб қилади. Жамоанинг яқдиллиги, ҳар бир ходимга манзилли ёндашув, касба уюшмалари тажрибасига таяниш, кучли бошқарув тизимини шакллантириш орқали инсон қадри юксалади. Инсон қадри юксалган жойда эса ташкилот маданиятининг ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади. Спорт ва маънавий тадбирлар, маданий дам олиш имкониятлари, ходимларнинг шахсий муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш эса жамоадаги ички босимни камайтиради, ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Ҳамиджон БЕШИМОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосари

Ижтимоий тармоқларда ора-сира дайди итлар ҳужуми ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушади. Жумладан, яқинда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи 11 ёшли бола мактабдан қайтаётганида итлар талагани ҳақида шов-шув хавотирларга сабаб бўлди. Ўтказилган жароҳлик амалиёти давомида жабрланувчининг боши, юзи, жағи ҳамда қулоғига тиббий чок тушган. Агар боланинг қўшниси итларни қувиб юбормаганида оқибат бундан-да, аянчли бўлиши мумкин эди.

Табиийки, ҳар қандай инсон ўзи ва яқинлари билан бундай кулфат рўй беришини истамайди. Шу ўринда мавзуга оид бир нечта маълумотни келтириб ўтсак, 2025 йил Жиззах вилоятида 1956 нафар киши ит, 442 нафар фуқаро эса мушук етказган жароҳат сабаб шифохоналарга мурожаат қилган.

Уларнинг барчаси тиббиёт муассасаларида қутуришга қарши эмланган, — дейди Жиззах вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўлим бошлиғи Замира Сариева. — Қутуриш вируси юктирилганда зудлик билан тегишли муолажалар кўрсатилмаса, олдидан ўлим билан тугайди. Бу касаллик «манба» ит ва мушуклар бўлгани боис дайди жониворлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун ҳамма чоралар кўрилиши лозим. Хусусан, МФЙ ҳамда ветеринария масъуллари, фуқаролар уй жониворларини рўйхатдан ўтказишлари ва ҳар йили касалликларга қарши эмланишини таъминлашлари зарур. Итларни кўчага чиқариб юбориш ёки кўчада махсус бўйинтуруқсиз етаклаб юриш мумкин эмас. Айримлар итларини боғламайди. Натижада тоғли ва чўл ҳудудлардаги қишлоқларга орайдиган шокол ҳамда тулқилар бўш юрган ёки дайди итлар билан талашиб, қутуриш вирусини юктириш хавфини пайдо қилади. Ажабланарлиси, чикиндионалар ёки аҳоли пунктлари чеккаларида изғиб юрган итларни овлаш чоралари кўрилади, қаердан дир жониворнинг эгалари пайдо бўлиб, ижти-

ДАЙДИ ИТЛАР ҚАЕРДА «ҚЎНИМ ТОПАДИ?»

мой тармоқда «Ҳайвонларга шафқатсизларча муносабатда бўлиняпти», деб хабарлар тарқатишади. Уларга ёзилган изоҳларни айтмаса ҳам бўлади. Аммо ўша фуқароларнинг кўпчилиги жонивор асраш масъулиятини билишмайди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 110-моддасида ит ва мушук боқини қоидаларини бузган фуқаролар БҲМнинг уч бараваридан 5 бараваригача бўлган миқдорда жаримага тортилиши белгилаб қўйилган. Агар мазкур ҳуқуқбузарлик инсон соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши тарзида содир этилса, жарима миқдори БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача бўлиши кўрсатилган.

Вилоятдаги махсус ит тутувчи бригадаларда транспорт ва овлаш воситалари етишмайди. Ҳар бир бригада 3-4 та ит сигадиған қафасларга эга. Оқибатда чиқиндионалар ҳамда аҳоли пунктлари чеккалари дайди итлар маконига айланмоқда.

Итлар мол-мулкни қўриқлаш, мушуклар эса кемирувчиларни бартараф қилиш билан бирга, инсонни стресс ва тушқунликдан чиқаришда муҳим ўрин тутаяди, — дейди Жиззах вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБ кинология бўлиммаси ветеринар-шифокори, капитан Аҳрор Абулқосимов. — Аммо жониворларни етарли даражада озиқлантирмаслик, қаровсиз қолдириш, доимий равишда боғлаб қўйиш, сайр қилдирмаслик улардаги ғазабноклини оширади. Қолаверса, дайди итлар галасига қўшилган жонивор тўдада ўз ўрнини топиш учун курашиш асосида қопагонга айланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар йили март-апрель ойларида қутуриш касаллигига қарши ветеринария бўлимларида текинга эмлаш ишлари амалга оширилади ва бу имкониятдан



ҳамма фойдаланиши керак. Мазкур жараёнда чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликлари худудидаги жониворларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Чунки чекка жойларда сақланаётган ҳайвонларнинг ёввойи турдошларидан касаллик юктириш эҳтимоли юқори. Яна боғча ва ўқув муассасалари теваригида уйларда боқилаётган итлар назоратини кучайтириш даркор.

Бугун кўтарилган мавзунинг яна бир муаммоси жиҳати шундаки, вилоятда қаровсиз қолган жониворларни сақлаш учун махсус питомник йўқ. Маълумотларга кўра, питомник қурилишига ер масаласининг ҳал бўлмаётгани сабаб экан. Юқорида таъкидланганидек, 2025 йилда вилоятда 1956 нафар кишини ит қопгани бу иншоотга эҳтиёж қай даражада эканини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда савол туғилади: дайди итлар ва мушукларни сақлаш учун жой бўлмаса, шунда улар тугтилгандан сўнг қаерда «қўним топади?».

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

**Бўлса керак фикр ила шохи замон,
Яхшига яхшию, ёмонга ёмон.**

Алишер Навоий



Алишер Навоий асарлари ўз мазмун-моҳияти ила сизу бизни ҳаёт аталмиш бепой ёлнинг пасту баланди, яхши-ёмони, файзли ва хатарли бурилишларидан огоҳ этади, нурли манзиллари сари етаклайди.

Мутафаккир шоир инсон зотини комиллик даражасида кўришни орзу қилади. Кишиларни юксак эътиқодга, инсоф ва диёнатга, адолат, раҳм-шафқат, меҳр-оқибатга қорлайди. Бу гоёларни бевосита одоб-ахлоқ мавзусига бағишланган ҳамда бугунги кунда халқ тилида ҳикматга айланган кетган қитъалари, рубоилари, фардларидан ташқари ишқ-муҳаббат йўналишидаги ғазалларида ҳам қузатиш мумкин. Уларда ҳам олижаноб инсоний фазилатлар тараннум ва тарғиб этилган байтлар учрайдики, айни пайтда улар нафақат файласуф шоир донолиги, балки бадиий ифода жиҳатидан ижодкор бобомизнинг юксак маҳоратга эгаллигини ҳам яққол акс эттиради.

Ана шу маҳорат туйғайли ишқ завқи, васл иштиёқи, айрилиқ азоби тасвирлари жараёнидаги «қистириқ» байтлар орқали ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маърифий қарашлар ҳам асосий мавзуга уйғун тарзда ифода этилганки, улар бамисоли доғишман шириннинг ҳаёт сабоқларига ўхшайди. Ўқис кўнгилни кўтариш вайрон бўлган Каъбани обод этиш билан баробар, дея ўқиради шоир. Бу борада албатта, сўз бирламчи ва ишончли восита. Ошиқнинг маҳбубига муружаат этиб «Кўйинг бо-

ҲАЁТБАХШ ДАЪВАТЛАР

рида қилмон жаннатга гузар ҳаргиз» мисраси билан бошланувчи ғазал давомиди шундай байт бор:

**Пил ўлса агар хасминг, десангки зарар топмай,
Бир пашшага оламда еткурма зарар ҳаргиз.**

Олам аҳлини бир-бири билан аҳил, дўст, ҳамкор бўлишга қорлаган шоир таъсирчан қиёслар, тимсоллар ва ташбиҳлар орқали озор кўришни истамасанг, аввало, ўзинг бировга озор етказма, ҳатто, қудратинг филча бўлса-да, пашшага ҳам озор бермагил, дея огоҳлантиради. Ва яна бир ғазалда уқтирадики, кўнглини пок тут, тилни юмшоқ қил, камтарлиқни касб эттилик, ана шунда бало-қазодан омондасан.

**Гар десанг қаттиқ балоға, қолмағайсен чархдин,
Олам аҳли бирла юмшоғилг ила қилғил маош.**

Зеро, бировга ёмонлик қилган киши ўзи ҳам ёмонлик кўрмай қолмайди, яъни бировни ноҳақ йиғлатганининг ўзи ҳам йиғлайди.

**Қўзгама булбулни қўп, эй гулки, даврон боғида,
Қолмағайсен қўзғалмайин улким, бировни қўзғамини.**

Лирик назмдаги ошиқнинг суюкли маҳбубига – хусн шоҳига илтижо-ю ўтинчлари аслида ошиқ ва адолатсевар Навоийнинг ҳукмдору мансабдорларга, давлатмандларга хитоблари янглиқ жанангилариди.

**Ком етурмак ғанимат англа даврон аҳлига,
Эй гани, бу дамки коминг бирладур даврон хануз.**

Демак, давру давронинг, қўлда имконинг бор экан, эл-юртга нафинг тегсин, сендан яхшилик қолсин. Негаки, давр ўткинчи, даврон ғанимат. Эртанги ўкинч, афсус ва пушаймонликдан эса фойда йўқ.

**Шу дамни тут ғаниматким, келар дамдан асар
Йўқтур,**

Не дамки ўтди худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.
...Андоқ иш қилким пушаймон бўлмағай сенким эмас,
Ҳеч осигчун иш хато бўлди пушаймонликда ҳайф.

Сабаби – умр ўткинчи. Шоир наздида бировнинг оғирини энгил, мушқулини осон этиш, муродига етишувиди кўмак қўлини чўзиш – инсоний фазилат ва бу борадаги бир фурсатлик хайрли юмуш юз йиллик давру даврондан, тожу тахт соҳиблигидан аъло-роқ.

**Кимса юз йил комронлиг қилса билким, арзимас,
Дахр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми билла.**

Шоирнинг ҳаётий тажрибалар маҳсули сифатида билдирган фикрича, сабр, инсоф, нафсини жиловлай билиш, айниқса, қаноат ҳар кишининг иззатли ва хурматли бўлишига сабаб. Тўғрилиқ, рост сўз ва ҳалоллик, садоқат эса ҳар кимсанинг хавфу хавотирдан эмин бўлишига, кўнгли хотиржамлигига заминдир. Бу борада ўқдин мисол ол, дея таъкидлайди шоир. У тўғрилигидан узоққа боради, эй эса эгрлигидан қўл-оёғи чандилган, тузоққа тушган.

**Туз бўл ўқдек гар тиларсан авж, ёким эгрдур –
Давр ҳар гўшадин бўғзига солибтур керош.**

«Лирик чекиниш» деган ибора бор. Навоий ҳазратлари, таъбир жоиз бўлса, юқоридаги сингари лирикадаги «ижтимоий-сиёсий чекинишлари орқали, сўз қудрати воситасида кишиларни энг яхши инсоний фазилатлар эгаси бўлишига даъват этади. Ҳеч шубҳасиз, бу даъват кишилик жамиятини соғломлаштиришга, маънавиятининг юксалишига тоабат хизмат қилаверади.

**Отабек ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Бадияят

Оғриқ тишлар

Тошкентдаги кўнгилоқ масканда юз берган ёнгин оқи-батиди 3 ёшли қизалоқ халок бўлгани кўпчиликни ларзага солди. Хабарни кўз ёши билан ўқидим. Мен ҳам фарзандларимни шунақа ўйингоҳларга олиб борардим. Энди эса кўрқиб қолдим. Ахир, бундай масканлар аслида «ажал тузоғи»га айланиб қолмаётими? Наҳотки, эвакуация йўлаклари кулфланган, ёнгин тизимлари ишламайдиган жойларда болаларимиз ҳаётини хавфга қўяётган бўлсак?

БЕПАРВОЛИКНИНГ АЧЧИҚ ТОВОНИ

Халқимизда «Ўт билан ўйнаши бўлмайди», деган гап бор. Биз эса ҳалигача олов билан ҳазиллашиб яшаётгандекмиз. Бу фожиа шунчаки тақдир иши эмас, аксинча, бепарволигимизнинг аччиқ товонидир.

Қўпгина биноларда, айниқса, хизмат кўрсатиш объектида хавфсизлик талабларига фақат дўппи тор келганда ёки текширувчи эшик қоққандагина эътибор қаратиляпти. Лекин ўтказилаётган режали текширув ва тушунтириш ишлари тўлиқ натижа бермаляпти. Чунки аксарият тадбиркорлар хавфсизлик қондаларини инсон ҳаётини асраш учун эмас, текширувчи келганда жарима тўламаслик учун тўғрилаб қўйишади. Хавфсизлиқни таъминлаш учун харажат қилишдан қочишади, лекин тежаллан пуллар бир кун келиб, инсон ҳаёти эвазига тўланишини ўйлашмайди.

«Менга ҳеч нарса қилмайди», деган сафсата қон-қонимизга сингир кетган. Тушунтириш ишлари олиб бориладиган, ҳамма гап бир қўлоғимиздан кириб, иккин-

чисидан чиқиб кетади. Фожиа пайтида эса ёрдм бериш ўрнига телефонда видеога олиштириш шоямиз. Ахир, «Кўшнинг уйи ёнаётганда, сув сеп» дейилган, видеога ол дейилмаган-ку!

Нима қилиш керак? Ҳар қандай бинога кирганда, энг аввало, захира чиқиш йўлини билиб олинг. Фарзандингизга «Ўт чикса, бекинма, бақириб ёрдам сўра», деб ўқитиринг. Агар биров жойда чиқиш йўли ёпиқлигини ёки хавфсизликка амал қилинмаётганини кўрсангиз – жим турманг! Бу ҳақда маъмуриятга айтинг, талаб қилинг, керак бўлса, тасвирга олиб, ижтимоий тармоқларга жойланг. Токи, муаммага ечим топилисин. Сизнинг эътирозингиз бир фалокатнинг олдини олиши мумкин.

Тошкентлик қизалоқнинг фожиали ўлими ҳаммамизни хушёрликка ундаши керак. Хавфсизлик эса тил учига айтиладиган гап эмас, бу бизнинг яшаб қолишимиз кафолатидир.

**Озода МАМАДАЛИЕВА
Бекобод шаҳри**

Тарих тилсимлари

Навоий шаҳридан 350 километр шимол-ғарбда, кенг қизилқум саҳроси бағрида асрлар давомидида халқ эътиқоди ва умидига айланган муқаддас маскан бор. Бу – Қанорбой ота зиёратгоҳи. У аҳоли учун бир авлиёнинг қабригина эмас, балки иймон, сабр ва маънавий куч тимсоли саналади.

ЭЛАҚДА СУВ ТУТГАН АВЛИЁ

Қанорбой ота ҳаётининг ўзиёқ ибрат мактаби. У Бухоро мадрасаларида узоқ йиллар таҳсил олган, ислом арконлари ва шариат аҳкомларини чуқур ўзлаштирган, илм ва тақво йўлида комиллик даражасига етган зот бўлган. Тирришқоқлиги, ҳалоллиги билан устозлар эътиборига тушиб, тез орада қаромат соҳибига айланган ҳақида кўп ривоятлар бор. Мадраса тахсилини тугатгач, у шаҳар шовқин-суронидан йироқ – ота-боболари чорвадорлик қилган Қизилқум бағрига қайтади. Бу ерда оддий халқ орасида диний маърифат тарқатиб, одамларни эзгулик, сабр-тоқат ва ҳалолликка даъват этади.

Қанорбой ота вafот этгач, уни йўл ёқасига дафин этишади. Вақт ўтиши билан мақбара зиёратгоҳга айланади. Ёнида масжид қад ростлайди.

Қанорбой ота ҳақидаги энг машҳур афсоналардан бири унинг мадрасадаги таҳсили билан боғлиқ. Айтишларича, у тирришқоқ бўлгани учун устозлари алоҳида эътибор қаратган. Бу эса баъзи тенгқурларида ҳасад уйғотган.

Умид ХУДОЙКУЛОВ
«ISHONCH»

«Fortune» журналида ёзилишича, Гарвард ва Бейлер университетлари олимлари 22 та давлатда 200 мингдан зиёд ёшлар ўртасида ўтказган тадқиқоти жараёнида бахтинг эгри чизиги ўзгаргани аён бўлган. Анкироғи, Z авлоднинг қувонч ҳисси йўқолиб бормоқда.

ҚУВОНЧ ҲИССИНИ ҚАЙТАРАЙЛИК

иши бўлиши керак», дейдиган қизлар, кўчада ва уйда бошқа-бошқа инсонга айланадиган йигитлар, ҳаётининг иқир-чикирларигача оммага олиб чиқиб, «Мақтанмаёман, шунчаки фикримни сиз билан бўлишим келди», дейдиган олчоқлар, эҳ-ҳе, санасангиз чарчайсиз...

Бугун шу каби ҳолатлар урчиб кетди. Масалан, «skill uzb» номи остида «Pubg» ўйини ўйнайдиган боланинг ортидан 14-15 ёш атрофидаги бир гала ўсмирлар чоғиб юрибди. Биттасидан, «Нега йиллапсан?» деб сўраса, «Илтимос, ака, бир қўл ўйнайлик», дейди.

Келинг, энди ёшлар нега бундай ахволга тушиб қолиётгани ҳақида гап-лашайлик. Бу ҳолатда ота-оналарнинг ҳам қисман айби бор. Психолог Шаҳло Орифхўжаеванинг таъкидлашича, «қисман айбдорлик»нинг бир нечта сабаблари мавжуд. Жумладан, ота-

оналарнинг аксарияти бола тарбиялаш борасида етарли билимга эга эмас. Қолаверса, ижтимоий тармоқлар уларни ҳам, фарзандларини ҳам «забт» этган. Оқибатда ота-она ва фарзандлар ўртасида мулоқот камайган. Болалар атрофида яқинлари бўла туриб, ўзларини ёлғиз ҳис этишмоқда. Меҳр-эътибор етишмаяпти. Яна бир муаммо, ёмонлашган экология соғлиққа ва кайфиятга ҳам таъсир қилади.

Демак, бугун нафақат болалар тарбияси, балки тевақат-атрофда рўй бераётган ўзгаришларга ҳам безъғибор бўлмамлигимиз зарур. Ана шундагина Z авлод учун қувонч ҳиссини қайтарармиз, балки...

Муродилла УРДУШЕВ.
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

Маҳмуджон Азимов ижросида

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

«САМАРҚАНДА БОРСАМ МЕН АГАР...» қўшиғи

**Самарқандга борсам мен агар,
Улузбекни кўриб қайтаман.
У қон йиглаб турар ҳар сафар:
Мен дардимни кимга айтаман?..**

Муҳаммад Юсуф шеърни



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2020-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi)

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hay'ati – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulruhbegin ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 20:50
Topshirish – 21:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilashrtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 306 ta
Shundan: 6 701 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 426 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 179 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-211**
1 2 3 4 5 6